



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2015 йил 27-май

“Ўзкимёсаноат” ДАК Инновация ярмаркаси ишида фаол қатнашди

“Ўзкимёсаноат” ДАК корхоналари шу йил 19-21 май кунлари “Ўзэкспомарказ”да ўтказилган VIII Республика инновация ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмакаси ишида фаол иштирок этди.

Ярмарканинг кимё саноати шубасида компания корхоналари томонидан 2014 йилда ўзлаштирилган ва жорий йилда ишлаб чиқарилишини режалаштирилган маҳсулотлар намуналари, 2015 йил инновация лойиҳалари ҳамда “Ўзкимёсаноат” ДАК корхоналарининг инновация эҳтиёжлари бўйича материаллар намойиш этилди.

Яҳланган йўллари эритувчи, минерал ўғитларнинг ёпишқоқлигига қарши ва қуввурлар ичини тозалаш реагентлар, «POLYPAC-UZ» полимер реагенти, "FERFLEX" клей, калий сульфати, мураккаб азотли-фосфорли-калийли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиялар ярмарка қатнашчиларининг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Ярмарка давомида 1 518,0 млн. сўмлик 18 шартномалар тузилди.

Ушбу тадбир якуни билан “Ўзкимёсаноат” ДАК VIII Республика инновация ғоялар, технологиялар ва лойиҳар ярмакаси ишида фаол иштирок этгани учун фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Тошкент Давлат техник университети қошидаги “Магистр” илмий -ишлаб чиқариш муассасаси билан ҳамкорликда яратилган “Аммиакли селитранинг ёпишқоқлигига қарши реагенти” “Саноат” номинациясида энг яхши инновация ишланмаси деб топилди.

“Ўзкимёсаноат” ДАК матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkiyosanoat.uz/uz/press/news/innovaciya-yarmarkasi-ishida-faol-qatnashdi>